



Халқ сўзи

Ўзбекистон -
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2008 йил 1 март, № 43 (4453)

Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ «ЁШЛАР ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ёшларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги етилган муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, узулқисм таълим тизимида ислохотларни янада чуқурлаштириш, реал иқтисодиётда ва мамлакат ҳаёт фаолияти соҳаларида таълим муассасалари томонидан тайёрланадиган мутахассисларга бўлган талабни таъминлаш мақсадида, шунингдек, 2008 йилнинг «Ёшлар йили» деб эълон қилинганлиги муносабати билан:

1. Қуйидагиларни назарда тутувчи «Ёшлар йили» Давлат дастури 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

Ёшларнинг манфаатларини янада тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳуқуқий базани такомиллаштириш ҳамда мустаҳкамлаш, амалдаги қонун ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

таълим жараёнини унинг узулқисмлиги ва давомийлиги нуктаи назардан янада такомиллаштириш, 9-синф битирувчиларининг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан тўлиқ қамраб олинишини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасаларида ёшлардан муносиб равишда фойдаланиш ва жамиятда ўз ўрнига эга бўлишини кафолатлайдиган, реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинаётган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш;

ишга тушириладиган умумтаълим мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни қуриш ва реконструкция қилиш сифатини ошириш, уларни муҳандислик коммуникацияларига ўз вақтида ҳамда тўлиқ улаш, мебель, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари ва техникавий таълим воситалари билан жиҳозлаш, таълим соҳасида қабул қилинган давлат умумий таълим дастурининг сўзсиз ва сифатли бажарилиши юзасидан буюртмачилар ва пудратчиларнинг масъулиятини кучайтириш;

таълим ва кадрлар тайёрлаш бутун тизими даражаси ҳамда сифатини тубдан ошириш, мактаблар, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ва олий ўқув муассасаларидаги таълим стандартлари ва ўқув дастурларини замонавий талабларни ҳисобга олган ҳолда танқидий таҳлил қилиш ҳамда янгилаш, педагог кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни ташкил этишни такомиллаштириш;

ёш авлодни ҳаётга қатъий эътиқод ва қарашлар руҳида, меъна-талитетимизга эл бўлган зарарли таъсирлар ва оқимларга қарши тура оладиган мўлқий ҳамда умуминсоний кадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялаш;

олий ўқув юртлири, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар битирувчиларининг, шунингдек, мuddатли ҳарбий хизматни тутатган ёшларнинг, айниқса, кичик шаҳарлар ва қишлоқларда ишга жойлаштириш билан боғлиқ масалалар бутун комплексини ҳал этиш;

музыка, рассомлик, санъат ва маданият соҳаларида болаларнинг иходий таланти ва қобилиятларини барвақт аниқлаш ҳамда ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш, мазкур масалалар билан шуғулланувчи жамоат ва нодавлат ташкилотлари ҳамда шахсларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш;

ёшларда соғлом турмуш тарзига интилишни шакллантириш, ОИТС, гивҳандлик, кашандалик ва бошқа зарарли одатларга қарши кураш бўйича профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш, ёшларнинг буш вақтини мазмунли ташкил этиш, ёшлар спортини оммавий ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш; ёш оилаларни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб уй-жой ва ихтимомий-маиший турмуш шароитларини яратиш, уй-жойини ободонлаштириш учун зарур маблағлар ва кредитлар бериш, маънавий бой ва жисмонан соғлом болаларни тарбиялаш чора-тадбирларининг самарали тизимини амалга ошириш;

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 14 декабрдаги Ф-2892-сон фармойишига мувофиқ ташкил этилган Республика комиссияси зиммасига «Ёшлар йили» Давлат дастури бажарилишини ташкил этиш ва мониторингини олиб бориш вазифаси юклансин;

Республика комиссияси аъзоларининг 2-иловага мувофиқ таркибда «Ёшлар йили» Давлат дастурининг асосий бўлимларини амалга ошириш Кенгаши тузилсин.

3. «Ёшлар йили» Давлат дастурини амалга ошириш Республика комиссияси ва Кенгаши (Ш. М. Мирзиёев):
вазирликлар, идоралар, ҳўжалик бирлашмалари, жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан ҳар бир вазирлик ва идора, минтақа, шаҳар, туман ва аҳоли пункти бўйича икки ҳафта мuddатда «Ёшлар йили» ҳудудий ва тармоқ дастурлари ишлаб чиқирилиши ва қабул қилинишини таъминласин;

ушбу Дастурининг бўлимлари ва бандларини тўлиқ бажариш бўйича ишларнинг давлат бошқаруви республика ҳамда ҳудудий органлари, жамоат ва ноҳукумат ташкилотлари даражасида мувофиқлаштирилишини ташкил этсин, Дастурга киритилган тадбирларнинг бажарилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Девонига йилнинг ҳар чораги якунлари бўйича «Ёшлар йили» Давлат дастурида тасдиқланган тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида ахборот тақдим этиб турсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри ва туманлар (шаҳарлар)да Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси ва тегишли ҳудудлар ҳокимлари бошчилигида, уларнинг зиммасига Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг сўзсиз ва тўлиқ амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юкланган ҳолда, Дастурни амалга ошириш бўйича тегишли комиссиялар ташкил этиш мақсадида мувофиқ деб ҳисобласин.

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси, оммавий ахборот воситалари «Ёшлар йили» Давлат дастурининг мақсад ва вазифалари кенг қўламада тушунирилишини, унинг амалга оширилишини, ёшлар ҳуқуқлари манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг иходий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда реал иқтисодиёт тармоқларида талаб этилаётган аниқ касб-ҳунарни эгаллаш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, уларнинг жамиятда муносиб ўрнини эгаллаб, республикани ривожлантиришда ҳал қилувчи куч бўлиб қоладиган, ўз мамлакатининг тўла ҳуқуқли фуқаролари сифатида камол топтириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда республика ва маҳаллий бошқарув органлари, жамоат ҳамда ноҳукумат тузилмаларининг аниқ ҳиссаси мунтазам ёриштирилишини таъминласин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
Тошкент шаҳри,
2008 йил 29 февраль
И. КАРИМОВ

ХАЗИНАТОПАРЛАР ШИЖОАТИ



Гўзал диёримизни Аллоҳ назари тушган замин деб таърифлашлари беҳиз эмас. Айтишларича, юртимизнинг ер усти бойликлари нақадар кўп бўлса, ер остидаги хазиналар ҳам улардан кам эмас. Шу боис, Ватанимиз истиқлолда эришгач, мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги ер ости захираларини ўзлаштириш борасида кенг қўламадаги ишлар бошлал 2 юборилди.

Маълумотларга қараганда, бу- лари аниқланган. Эътиборлиси, гунги кунда мамлакатимизда 3 2007-2010 йилларда амалга оширилмишга қўзда тутилган дастурга

кўра, тармоқ корхоналарини модернизациялаш, илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш, турли геофизик ва лаборатория ускуналари харид қилиш, шунингдек, қон қазий технологияларини сотиб олиш учун 45 млн. АҚШ доллари миқдорда сармоя сарфлаш назарда тутилмоқда.

«Ўзгебургунефтверга» акциядорлик компаниясига қарашли «Минора қуриш экспедицияси» акциядорлик жамияти томонидан бир-

гина 2007 йилда 80 дан зиёд бургулаш миноралари барпо этилди. Жамият қошида марказий механик таъмирлаш цехи фаолият кўрсатаётгани эса, эътиёт қисмларга бўлган талабни қондиришга хизмат қилмоқда.

СУРАТДА: корхона ишчилари галдаги вазифалар тўғрисида суҳбатлашмоқда.
Шомурод ШАРОПОВ (Ў.А.)
олган сурат.

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимда иштирок этиш учун 2008 йил 24-26 февраль кунлари Корея Республикасига таширф буюрди.

БУНЁДКОРЛИК ЙЎЛИДАН

Мамлакат раҳбарининг ушбу маросимдаги иштироки стратегик шерик бўлган Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги сибсий, иқтисодий ва гуманитар алоқаларини изчил ривожлантаётгани, икки томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва мамлакатларимиз ўртасида энг юқори даражадаги ишончли ва дўстона муносабатларнинг юксак баҳоланаётганининг яна бир исботи бўлди.

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикасининг қўллаб-қувватлаш ва халқаро масалаларга нисбатан нуктаи назарларининг муштараклиги ҳамда бунёдкорона ривожланишнинг истиқболлари Ли Мён Бакнинг ўз лавозимига расман киришишига бағишланган маросимдаги чиқишида ҳам таъкидланди.

Газетхоналаримизнинг Корея Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар ва ижобий ўзгаришларга бўлган қизиқишини инобатга олиб, газетамиз тахририяти Корея Республикасидаги Президентининг тантанали нутқини чоп этишга қарор қилди.

2-бетга қаранг.

2007 ЙИЛДА ЎЗБЕКISTON РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ ЯКУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан белгиланган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устуворликлари ва улар асосида қабул қилинган мақсадли комплекс ва тармоқларни ривожланиш дастурларининг амалга оширилиши 2007 йилда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ижобий натижаларга эришиш имконини берди.

1. Иқтисодий ўсишнинг барқарор ва мўлчанлиги

Суръатини таъминлаш

Иқтисодий ўсишнинг барқарор ва мўлчанлиги

Иқтисодий ўсишнинг барқарор ва мўлчанлиги таъминлаш бўйича қўрилган чоралар натижасида мамлакат макроиқтисодий ривожланишидаги мавжуд ижобий тенденциялар сезиларли даражада мустаҳкамланди. Йил давомида ялпи ички маҳсулот ўсишнинг барқарор юқори суръати таъминланди, бу кўрсаткич ҳар чоракда 9 фоиздан ортиқ бўлиб, йил бўйича 9,5% ни ташкил этди. Иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар иқтисодий ўсишнинг асосий омил бўлиб, у сановатда ишлаб чиқариш ҳажмининг 12,1% га, ўзлаштирилган инвестицияларнинг — 22,9% га, қурилиш-пудрат ишларининг — 15,7% га, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмининг — 20,6% га ўсишини таъминлади. Бунда қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсиш суръати — 6,1% даражасида сақлаб қолинди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш ҳажми ва аҳоли дарамадларининг ўсиши чакана савдо айланмасининг 21% га ошишини таъминлади.

лаштирилиши, молия-банк тизимида ислохотларнинг чуқурлаштирилиши ҳўжалик юртувчи субъектларнинг ишлаб чиқариш фаолиятига ижобий таъсир кўрсатди ва иқтисодиётдаги молиявий маблағларнинг

Молия-банк тизимидаги ислохотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадида тижорат банкларининг уст-ва фондлари оширилди ва уларнинг инвестициявий жараёндаги роли кучайтирилди. 2007 йилнинг бошига нисбатан тижорат банкларининг умумий сармояси 40% дан ортиқ, иқтисодиётнинг реал секторига кредит қўйилмалар эса 16,2% га, аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари қўйилди 46,6% га кўпайди. Молия-банк хизматларининг умумий ҳажми 23,8% га ортди.

Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичлари (Ўтган йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

Кўрсаткичлар номи	2006 йил	2007 йил
Ялпи ички маҳсулот	107,3	109,5
Сановат маҳсулотлари ҳажми	110,8	112,1
Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш	120,6	118,8
Ялпи қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари	106,7	106,1
Асосий капиталга инвестициялар	109,1	122,9
Қурилиш ишлари	112,8	115,7
Чакана савдо айланмаси	114,8	121,0
Аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш	119,3	120,6

Макроиқтисодий барқарорлик, солиқ сибсатининг эркин- янада самарали тақсимланишига қўмаклашди. Натижада

(Давоми 3-бетда).

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларда сайловчилар билан ўтказиётган учрашувларида мамлакат ҳаётига онд энг муҳим вазифалар, мавжуд муаммолар ечимлари ҳақида сўз борапти. Уларда депутатлар парламент томонидан қабул қилинган қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар, Президент фармонлари ҳамда қарорлари одамлар онгига ҳал даражада етказиляётгани, аҳолининг сибсий, ҳуқуқий, иқтисодий, маънавий саводхонлигининг таъсир даражасига эътибор қаратишяпти. Аҳолининг турмуш тарзи, бугунги ҳаёти, фикр-мулоҳазалари билан қизиқишяпти.

САЙЛОВЧИ ФАОЛ, ДЕПУТАТ ТАШАББУСКОР

Самарқанд

Қонунчилик палатаси спикерининг ўринбосари, ҚХД фракцияси раҳбари Аслиддин Рустамовнинг Сайабқар ва Жамойб туманлари сайловчилари билан учрашувларида ҳам айнан шундай руҳ сезилиб турди. Депутат ўз чиқишида мамлакатимизда жамиятнинг барча соҳаларида олиб борилаётган ислохотлар ва уларнинг натижалари, навбатдаги босқун вазифалари ҳақида фикр юритди.

— Мустақиллик даврида таълим ва тиббиёт тизимларида, умуман олганда, ижтимоий соҳанинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлар ва янги-янги халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилди, — деди депутат. — Масалан, Президентимизнинг «Йирик сановат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони ҳамда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисида»-ги Қарори асосида Самарқанд вилоятида кенг миқёсда ишлар амалга оширилди. Натижада минглаб одамлар доний иш ўринларига эга бўлди. Қандайдан-қанда кам таъминланган, боқув-чиси йўқотган оилаларга ҳўжайлар томонидан соғин сугир олиб берилди.


— Мустақиллик даврида таълим ва тиббиёт тизимларида, умуман олганда, ижтимоий соҳанинг барча жабҳаларидаги ўзгаришлар ва янги-янги халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишига хизмат қилди, — деди депутат. — Масалан, Президентимизнинг «Йирик сановат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»-ги Фармони ҳамда «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер ҳўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш тўғрисида»-ги Қарори асосида Самарқанд вилоятида кенг миқёсда ишлар амалга оширилди. Натижада минглаб одамлар доний иш ўринларига эга бўлди. Қандайдан-қанда кам таъминланган, боқув-чиси йўқотган оилаларга ҳўжайлар томонидан соғин сугир олиб берилди.

Бутун халқимиз кўнгилмиздаги бор гапларни дилдан гапирга олдик. Бу мамлакатимиздаги эркинлик, ошқоравийликнинг натижаси, айбатта. Бундай учрашувлар, суҳбатлар қанчалик кўп ўтиштирилса, турмушимизда учраётган базми муаммоларимиз ҳам шунчалик тез ҳал бўлади.

Еш оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга ипотека ва истеъмол кредитларининг берилиши эса давлатимизнинг фуқароларга кўрсатаётган гамхўрлигининг яна бир ифодасидир.

(Давоми 2-бетда).


АҲОЛИНИНГ ТУРМУШ ШАРОИТИ ЯХШИЛАНМОҚДА



2007 йилда мамлакатимизда аҳолининг ичимлик суви билан таъминлаш 84 фоизга етказилди.

Ўтган даврда халқаро молия тузилмалари маблағларини жалб этган ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм вилояти, Самарқанд, Бухоро, Гулистон, Жиззах ва Қарши шаҳарларида мазкур йўналиш бўйича йирик инвестиция лойиҳалари амалга оширилган, жумладан, қишлоқ жойларда 1,6 минг километрдан зиёд сув қуурлари фойдаланишга топширилгани тўғайли шундай ижобий натижага эришилди.

Бир рақам шарҳи



“Баҳор келди сени сўроқлаб...” ҳар йили баҳорнинг илк куни – ўзбекининг ардоқли шоираси Зулфияxonим таваллуд айёмида бу дил изҳори шеърят муҳабблари кўнглида акс садо беради... Негаки, Зулфияxonим ва баҳор эгизак тушунчалардир. Бу фақат шоира тугилган сана билангина боғлиқ эмас.



САДОҚАТ ВА ВАҒО ШИМСОЛИ

Унинг ижоди ҳам миллий шеърятимизнинг ўзига хос баҳоридир:

На масъуд ҳузур бу, ёрғур жаҳон бу — Ер, Инсон баҳор-ла қовушган олар!
Зулфияxonим умрининг баҳори, масъуд олдари омонат эканини ўз ҳаётида ҳис этгани, ўз табири билан айтганда, бахтли муҳаббатни куйлаган сози ўлим ханжарига тегиб сингани, энг азиз кишиси — Ҳамид Олимжондан бевақт худдо бўлиб, қисматнинг аччиқ изтиробларига дуч келгани кўпчиликлари аён. Бироқ Зулфияxonим тақдирнинг оғир зарбаси олдига довдираб қолмади. Шоира таваллуднинг 80 йиллиги муносабати билан муҳтарам Юртбошимиз йўлаган таърих хатида таъкидланганидек, “Ҳам-андуҳларни матонат билан маҳв этган, армонларидан тирик ораулар яратган, тоғдек бардоши билан садоқат ва вафо рамзига айланган Зулфияxonим сингари аёллар жуда кам топилди”.

Ҳар қандай бадий ижод намунаси давр синовларидан ўтиб, халқнинг, миллатнинг қалб мулкига айланганига умрбоқийлик касб этади. Зулфияxonим лирик мероси ана шундай замон чиғиригидан ўтиб, шеърятимиз хазинасини беқийёс бадий жа-воҳирлар билан бойитганини алоҳида таъкидлаш керак. Ўзбекистон Қарамони, устоз Абдулла Орипов табири билан айтганда: “Зулфия опамиз ижодида авлодлардан авлодларга дадиллик билан турли имтиҳонларни бартараф этиб ўта оладиган фазилатлар талайгина. Биргина садоқат вафо мавзусини олинг; бу борада Зулфия опамиз шеърятини якто шеърятдир”.

Ҳақиқатан, Зулфияxonим ҳаётида ҳам, ижодда ҳам вафо ва садоқат рамзига айланди. Мана бу мисралардаги самимият ўқувчини бунга аниқ ишонтиради:

**Ҳижронинг қалбимда, созинг қўлимда,
Ҳаётни куйламан, чекнавар алам.
Тулар тушимдасан, кундўз ёдимда,
Мен ҳаёт экманан, ҳаётсан Сен ҳам!**

Зулфияxonим муттасил ижод билан шуғулланди, унинг баҳор нафасидек оҳорли лирикаси, теран мазмун ва поэтик жозиба уйғунлиги намунаси бўлган достонларни нанкин мамлакатимиз, ҳатто халқро микёсда адабий жамоатчилик эътирофини қозонди. Шоиранинг Осиё ва Африка мамлакатлари адибларига берилган халқаро “Нилуфар” мукофотига сазовор бўлгани, Жавоҳарлавл Неру номидаги халқаро мукофот билан тақдирлангани бунинг ёрқин далилидир.

Зулфия опанинг энг катта бахти миллатимиз мустиқиллига эришган саодатли кунларни кўргани, бу улугъ неъмат нашидасидан баҳраманд бўлгани десак айна ҳақиқат. Зеро, “Фусункор сўзга, инсонни гўзалликлар сари чорловчи, ду-

нени кашф этувчи бадий сўзга бўлган муҳаббат чўғини илк бор қалбимга солган — онам эди”, деган шоира юртимиз истиқлолга эришгач, янада самарали ижод қила бошлади. Мана бу эътироф ҳам бунинг тасдиқлайди:

**Келдинг-эй, Истиқлол, истиқбол бўлиб,
Қалбимга насиминг билан йўл содинг.
Сен шу хур назмга иштиёр бериб,
Мен оғир буатддек бир ёғиб олдим...**

Зулфия опанинг шеърятини ҳар доим навқирон ижодкорларга, айниқса, салоҳиятли ёш қизларга бетакрор назмий сабоқлар бериб келаётди. Шоиранинг “Мен кўшдан узиб берай сенга бир парча, Юрагимдан узган сингари...” деган сўзлари гўё ижоддаги издошларига қаратилгандай... Бугун улардан айримлари Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндорларидир. Бундай мукофотнинг таъсис этилгани ҳам бизда адабиётга эътиборнинг даражаси нечоғли баланд экани исботидир.

Бир шеърда “Саксон йил лувуллаб сўнмаган ўтман”, деган Зулфия опа шеърятини қисмат деб билган, қалами билан миллий адабиёт, маънавият раванқига муносиб хизмат қила олган ижодкор эди. Шоиранинг мана бу сўзларига эътибор беринг:

**Бу назм боғига киролмас ҳазон,
Бизни маҳа этолмас завола лашкари,
Мен кетсам мунғаймас умрим ҳеч қачон,
Бу боғлар... бир боғлар бўлади ҳали...**

Қаранг, қандай башорат қилиб, келажакдан умидланиб айтилган сўзлар. Бу сўзлар бутунги кунда рамзий, ҳам ҳаётий мазмунда ўз рўёбини топаётди. Президентимиз томонидан 2007 йил 13 сентябрда қабул қилинган «Тошкент шаҳрида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфияxonим ҳайкалини ўрнатиш тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, атоқли шоиранинг ҳайкалини ўрнатиш ва бу ҳайкал ўрнатиш сўлим маскани нафақат шоира хотирасига, балки муқаддас аёл зотиға ҳурмат бажо келтириладиган табаррук қадамгоға айлантириш халқимизни, инъонин ҳар биримизни чекиз қувонч тирди. Демак, эндиликда Зулфияxonимнинг бир эмас, икки — шеърлари ва достонларини жамлаган назм боғи, халқ эътироби ва эъзозини ўзига муҳасам этган ҳайкал ўрнатиш табаррук гўлбоғи бўлади. Алҳол, токи миллат ва унинг шеърсевлар фарзандлари бор экан, бу боғлар ҳазон билмағай, унга завол етмағай. Чунки, миллий адабиётимиз боғлари ҳам янада гурқираб яшнаяжак, шеърятимиз маликаси оруз қилган юксак макомга кўтарилажақдир.

Нурбой ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Миллий университети
профессори.

Мухтор ҲОШИМОВ:

«ТАҚВИМДА БАРЧАСИГА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛДИ»

Бугун мамлакатимизда футбол бўйича XVII миллий чемпионати олий лигаси ўйинларига шарт берилади. Ўзбекистон футбол федерациясининг мусобақаларни ўтказиш бошқармаси бошлиғи Мухтор ҲОШИМОВ мавсум янгиликлари ҳақида куйдагиларни гапириб берди:

Мавсум арафасида

— Даставвал, барчани янги футбол баҳори билан кўтайман, — дейди М. Ҳошимов. — Нюхот, чемпионат тақвими ва янги регламенти тасдиқланди. Уни тузишда Ўзбекистон терма жамоаси ва Осиё чемпионат лигасида қатнашадиган клублар ўйинлари инобатга олинди. Афсуски, шунга қарамай, биринчи турда ноқ тақвимга айрим ўзгаришлар киритишга тўғри келди. Стадони мавсумга тайёр бўлмаганлиги тўғрисида Наманганда ўттириб керак бўлган «Навбахор» — «Курвучи» учрашуви (2 март) Тошкентга кўчирилди. Табиийки,

30-турда «Навбахор» мезбон сифатида «Курвучи»ни қабул қилди. Демак, 1 март кўни «Пахтакор» — «Нефчи», «Андижон» — «Металлург», «Қизилқум» — «Машинал», «ОТМК» — «Шўртан», «Бухоро» — «Локомотив», «Насаф» — «Динамо», «Сўғдиёна» — «УзДонЖУ» жамоалари майдонга тушадилар.

Мусобақаларнинг 2008-2009 йилларга мўлжалланган янги регламенти тасдиқланди. Уни тузишда Осиё футбол конфедерациясининг талаблари инобатга олинди. Айрим мисолларни келтириб ўтсак. Шу мавсумдан бошлаб жамоалар бош мураббий-

босарлар, биринчи лига ўйинларини бошқарадиган ҳакамлар ва назоратчиларга тўланадиган пул миқдори деярли икки бараварга оширилди. Бундан кўзда тутилган мақсад ҳакамлар барча ўйинни адолатли бошқаришига эришишдан иборат. Яна бир янгилик. Регламентга кўра, ҳар бир жамоа 5 тагача легионер футболчини ўз сафига қўшиши

мумкин. Жамоаларимизга қўшилаётган хориклик футболчиларнинг савиясини ошириш мақсадида уларнинг жисмоний тайёргарлигига алоҳида эътибор берилди. Жорий йил миллий чемпионатида Россия, Украина, Грузия, Нигерия, Черногория, Тожикистон ва Туркменистондан тақлиф этилган бир неча футболчилар тўп суришади.

Умуман, миллий чемпионат ўйинлари ҳар томонлама қизиқарли ўтиши кўтилмоқда. Чунки, олий лигада иштирок этадиган аксарият жамоалар хорик мамлакатларида ўқув-йўғин машғулотларини ўтказишди. Уларнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди.

Зийдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

Вечна сурпризов от SAMSUNG

Купи любую сертифицированную продукцию **SAMSUNG** с 6 по 27 марта и стань участником розыгрыша ценных призов

Розыгрыш состоится 27 марта в 15.00 по адресу: г. Ташкент, ул. Б. Закирова (бывш. Абая), возле фирменного магазина Samsung.

Товар сертифицирован

Республика Кўчмас мулк биржаси Андижон вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади.

Аукцион савдосига такроран куйдагилар кўйилмоқда:
● ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 2 мартдаги 1-107/07-сонли ижро варақасига асосан Андижон вилояти, Избоскан тумани суд ижрочилири бўлими томонидан савдога кўйилган, Улугнор тумани, Дустик массивида жойлашган, 2001 йилда ушга тиришилган, майдони 1005,8 кв.м. бўлган бетон ишлаб чиқариш цехи.
Бошланғич нархи — 67 620 606 сўм.

● Избоскан тумани, Луғимбек қишлоғида жойлашган, Избоскан тумани қишлоқ ҳўжалиги қасб-хўнар коллежи ошхона биноси ва иншоотлари.
Бошланғич нархи — 146 685 000 сўм.

● Олтинкўл тумани, Кумакай қишлоғи, «Уйшин» маҳалласи худудида жойлашган «Савдо осмони» хусусий корхонасига қарашли АЕКШ бино-иншоотлари ва техникалари.
Бошланғич нархи — 41 770 220 сўм.

● Олтинкўл тумани, «Оразий» ҚФЙда жойлашган, «Олтинкўл ёғ» шўбёга қорхонасига қарашли: «ДСХ-50 кг» русумли тарози — 1 тўплам, элеватор норияси — 1 тўплам, 3 тоннали тарози — 1 тўплам, ёғ тозалаш (рафинаторна) ускунаси — 1 тўплам, ёғ қуритиш ускунаси — 1 тўплам, 1 та «LG 7717В» русумли компьютер, 1 та «CANON LBP-2900» русумли принтер, 4 та шафк, 10 та стул, 5 та галадонли стол, 1 та компьютер столи, 10 та 25 м² ҳажмдаги сийимлар, 1 та сейф, уруғчилик омбори биноси, маъмурий бино, ободонлаштириш мажмуи, устанона биноси, ишлаб чиқариш цехи биноси, маийсий бино, ўсимлик ёғни сақлаш сийимлари, саралаш иншооти, чинкиди омбори, қозонхона, электр тармоқлари, муҳандислик тармоқлари ичигади барча иншоотлари билан кўйилган.
Бошланғич нархи — 206 018 152 сўм.

Шунингдек, Андижон тумани, «Куйганёр» темир бетон буюмлар» қорхонасига қарашли бино-иншоотлар ҳамда ишлаб чиқариш анжомлари, асосий воситалар ва «С-130» русумли булддозер кўйилган. Бошланғич нархи — 183 900 000 сўм.

Аукцион савдоси 2008 йил 11 март кўни соат 11.00 да ўтказилади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган мулклар билан Избоскан тумани СИБ вақили иштирокида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин.
Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, тўлов ҳужжатига ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда РКМФ Андижон вилояти филиалининг «Асака» банки Андижон вилояти филиалидаги МФО 00069, СТИР 200933850, 22622000200571452003 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ушбу мулклар сотилиши тўғрисидаги эълон «Андижоннома» газетасининг 2008 йил 23 февралдаги 16-сонида чоп этилган.

Кўшимча маълумотлар учун манзил: Андижон шаҳри, Навоий шохқўчаси, 30-уй, Республика Кўчмас мулк биржаси Андижон вилояти филиали.
Телефонлар: (8-374) 224-48-53, 224-37-86. Лицензия: DB 001 №000004.

Ҳурматли ишбилармон, тадбиркор хонимлар ва жаноблар!

ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ АССОЦИАЦИЯСИ
«УНИВЕРСАЛ БИРЖА МАРКАЗИ»
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

2008 йил 14 март кўни соат 15.00 да «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилири томонидан хатланган куйдаги мулк кўйилмоқда:
Суд ижрочилирининг Марғилон шаҳар бўлимига томонидан Фарғона вилояти ҳўжалик судининг 2007 йил 29 январдаги 15-07-09/22830-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Марғилон шаҳри, Янги Марғилон шаҳарчаси, А. Набиев кўчаси, 15 қурилиш трестига қарашли омбор бино иншоотлари (0002-0003 литердаги омбор ва зина).
Бошланғич баҳоси — 45 524 421 сўм.

Савдода қатнашиш учун харидорлар савдодаги мулкларни сотиб олиш учун ариза топширган ҳолда объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридagi закалат пулини куйдаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:
22622000304234776002,
АТ «Ипотека банк» Фарғона филиали,
МФО 00544.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш савдо бошланишидан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун ҳужжатлар тақдим этиш юзасидан ва қўшимча саволлар бўйича куйдаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Ўзбекистон Банклар ассоциацияси
«Универсал биржа маркази» Фарғона филиали,
Фарғона ш. А. Навоий к., 47-«А» уй, 2-хона.
Телефонлар: 226-45-48, 226-95-98.

РЕСПУБЛИКА КЎП ТАРМОҚЛИ АГРОСАНОАТ БИРЖАСИ САМАРҚАНД ФИЛИАЛИ

очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

2008 йил 31 март кўни соат 11.00 да Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг савдолар залида объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдолари ўтказилади.

Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан савдога кўйилган «Каттақўрғон фирмаси» АЖга қарашли мол-мулклар мажмуаси: маъмурий бино (3 қаватли, 1989 йилда қурилган, умумий майдони 2899 кв.м.), ошхона биноси (1 қаватли, 1989 йилда қурилган, умумий майдони 499 кв.м.), ишлаб чиқариш цехи биноси (1 қаватли, 1989 йилда қурилган, умумий майдони 15031 кв.м.), омборхона биноси (1 қаватли, 1989 йилда қурилган, умумий майдони 804 кв.м.), соябон (1 қаватли, умумий майдони 7771 кв.м.), 190 та турли ўлчамдаги (20 м², 15 м²) зангламайдиган пўлатдан ясалган сийимлар.
Жами бошланғич баҳоси — 406 581 000 сўм.

Ушбу аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий савдоси 2008 йил 16 апрель ва 2 май кунлари соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагида бўлган харидорлар Республика кўп тармоқли Агросаноат биржаси Самарқанд филиалининг х/р 20208000404460401001, МФО 00317, СТИР 206074208 АТБ «Узасаноатқурилишбанк» Самарқанд вилояти минтақавий филиалига объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридаги закалат пулини тўлашлари лозим. Харидорлардан аризаларни қабул қилиш ва расмийлаштириш аукцион савдосига 1 кун қолганда тўхтатилади.

Манзилимиз: Самарқанд шаҳри, Мирзо Улугбек кўчаси, 148-уй, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси биноси, 1-қават, 3-хона.
Телефонлар: 210-11-07, 234-06-38.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги жамоаси «Ўзбекистон матбуоти» журналы Бош муҳаррири Ҳамид Султонмурод акаси Ўқубон ИБРОҲИМОВ нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.	Тошкент Педиатрия тиббиёт институти жамоаси микробиология, умумий генетика, иммунология, вирусология кафедрасининг муdiri, профессор Мамлакат Мирзаевага акаси Абдурауф АЙНАКУЛОВ нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.	Тошкент давлат шарқшунослик институти раёбарияти ва касаб уюш-маси Кўпчилиги Табиий фанлар олий маълумоти ва информатика кафедраси катта ўқитувчиси Абдуносиқ Жалиловга вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.
---	--	---

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конституция палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т-Тижорат материал

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.30 Топширилди — 00.30 1 2 3 4 5 6 7 8

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — А. Қутбиддинов.
Навбатчи — Қ. Хидиров.
Муесаҳҳах — Ш. Машраббоев.